



ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК МУҲИТИДАН ХАЛҚЛАРИМИЗ МАМНУН



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10-11 июнь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Президентимиз ташриф доирасида 11 июнь куни Душанбедан Хўжандга келди. Олий мартабали меҳмонни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Хўжандда давлатимиз раҳбари ташрифига катта тайёргарлик қўрилган. Икки мамлакат байроқлари билан безатилган аэропорт ва кўчаларда жамоатчилик вакиллари Президентимизни

катта хурсандчилик билан қаршилади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан биргаликда Хўжанд шаҳри яқинидаги “Арбоб” маданият саройига

ташриф буюрди. Бу ерда Сўғд вилояти жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар, нуронийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тожикистон пешвоси Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан икки мамлакат ўртасида ишонч ва дўстлик муҳити яратилганини таъкидлади.

— Илгари тўпланиб қолган муаммолар шундай қисқа муддатда ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлармиди?! Бунга халқаро ташкилотлар ҳам ишонмаган эди. Бугун давлатларимиз ўртасида ҳал бўлмаган масала қолмади, ўзаро ишонч пайдо бўлди. Бундай муносабатларнинг ташаббусқори ва “архитектори” ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев, — деди Эмомали Раҳмон.

Кейинги йилларда давлат чегараларида 17 та ўтказиш пункти очилгани, Тожикистон халқи бундан миннатдор экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларга чуқур ҳурмати билдириб, халқларимиз ўртасидаги дўстликни қадрлаш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ҳақида нутқ сўзлади.

— Авваламбор Сиз азизлар, Сўғд вилояти жамоатчилиги ва фаоллари, нуроний оқсоқоллар, зиёлилар, ёшлар билан қадимий ва навқирон Хўжанд шаҳрида дийдор кўришиб турганимдан бахтиёрман. Ҳозиргина Тожикистон раҳбари, қадрли биродарим Эмомали Шарипович таъкидлаганидек, бу кунлар тарих, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Дини, урф-одат ва қадриятлари муштарак ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида ён қўшни, дўст ва ҳамкор бўлиб яшаган. Шубҳасиз, бу бебаҳо бойлиқни кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш муқаддас бурчимиздир.

Сўнги йилларда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қарор топган яхши қўшничилик ва абадий дўстлик туфайли биз улкан натижаларга эришмоқдамиз. Албатта, бундай ютуқларга эришишда Сиз, азизларнинг, икки мамлакат жамоатчилиги ва зиёлиларининг беқиёс ҳиссаси борлигини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти ташрифининг муҳим қисми Хўжанд шаҳрида ўтгани бежиз эмас. Бу қадимий шаҳар ўзбек ва тожик халқлари учун бирдек қадрли. У асрлар давомида Буюк ипак йўлидаги марказлардан бири бўлиб, минтақамиз маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутган.

Душманга қарши елкама-елка курашган буюк саркардалар — хоразмшоҳ Жалолдин Манғуберди ва Хўжанднинг шонли фарзанди Темур Малик жасорати халқларимиз хотирасида муҳрланиб қолган. Кейинчалик теурийлар, шайбонийлар ва хонликлар даврида ҳам Хўжанд муҳим кўрғон бўлган, ривожланган.

Бугунги кунда Хўжанд шаҳрида Ўзбек маънавияти ва маърифати маркази, маҳаллий университетда ўзбек филологияси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган илмий мактаб фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда, барча миллат ва элатлар қатори, тожик маданиятини сақлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда бир миллион олти юз минг нафар тожик миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилмоқда, юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида таниқли олимлар, тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчи ва шифокорлар, турли даражадаги раҳбарлар бор.

▶ Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида тобора ривожланаётган дўстона муносабатлар минтақада ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда

Халқаро эксперт доиралари вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи аҳамиятини шарҳламоқда.



Холид Ақром Таймур, Глобал ва стратегик тадқиқотлар марказининг ижрочи директори (Покистон):

— Ушбу ташриф Тожикистон билан ҳамкорлики янада ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратишига ишончим комил.

Йигирма биринчи асрда Марказий Осиё минтақаси ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам Ўзбекистоннинг салоҳияти Президент Шавкат Мирзиёевнинг сай-ҳаракатлари натижасида ортиб бормоқда.

Ўзбекистон иқтисодий иттифоқларни шакллантириш ва минтақавий интеграция салоҳиятини оширишда минтақанинг ҳақиқий етакчисига айланди. Тошкентнинг Душанбе билан алоқалари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Жумладан, савдо алоқаларини кенгайтириш борасида қатор битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президентининг Душанбега ташрифи муҳим аҳамият касб этади, чунки унинг асосий мақсди минтақада тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий тараққиётга қўмаклашишга қаратилган.



Ипек Текдемир, Европа парламентидаги Европа Иттифоқи — Ўзбекистон дўстлик гуруҳи Бош котиби:

— Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга ташрифи икки давлат ўртасида ўрнатилган яқин дўстлик алоқаларини ифода қилмоқда. Сўнги йилларда улар ўртасидаги муносабатларда стратегик шерикчилик борасида сифат жиҳатидан ўзгариш юз берди. Бундан ташқари, коронавирус пандемияси уларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини намоён қилди.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ — АМАЛДА

ОРОЛБЎЙИ — ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХУДУДИ МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН ИЛК МИНТАҚА

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ, тарих фанлари доктори, профессор

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар худуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция ташаббусини Президентимиз илгари сурган эди.

Шавкат Мирзиёев 2020 йил сентябрь ойида ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида аъзо давлатларни ушбу махсус резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга чақирди.

▶ Давоми 5-бетда



МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ

ХАЛҚ ДАРДИНИ ЎЗИНИКИ ДЕБ БИЛГАНЛАР ЭЛ МЕҲРИНИ ҚОЗОНАДИ

Башорат ОТАЖОНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Яқин-яқингача маҳалла раисининг асосий вазифаси аҳолига маълумотнома бериш-у, маҳаллада ўтадиган тўй-маъракага бош бўлиб, назорат қилишдан иборат эди. Бугун-чи?



Сўнги йилларда уларнинг вазифаси ҳам, масъулияти ҳам тубдан ўзгарди. Шунга яраша обрў-эътибори ҳам ортиб борапти. Энди хонадонлардаги қувончу қайғуга шерикликдан ташқари, одамларнинг қандай яшаётгани, уларни қийнаётган муаммолар, иш билан таъминлаш, боқувчисини йўқотган ёки

кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, уй-жойини таъмирлаш каби масалаларда ҳам маҳалланинг қўмағига эҳтиёж бор. Бир сўз билан айтганда, маҳалла жамиятнинг “жон томири”га айланди. Жойларда айрим иқтисодий камчилик ва тўсиқларни бартараф қилишда, “Темир дафтар”га киритил-

ган оилаларга ҳар томонлама қўмак беришда, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинган фуқароларнинг бандлигини таъминлашда ҳам маҳалланинг ўрни ва нуфузи ортиб бораётгани бор гап.

▶ Давоми 4-бетда

30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

Ўнлаб дастур ва мобиль иловалар муаллифи:

“БУ СОҲАДА ҲАЛИ ЎЗИМНИ ҲАВАСКОР ҲИСОБЛАЙМАН!”

Рақамли иқтисодиёт. Инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб. Бугун унинг “нафаси” кириб бормаган соҳа, унга талаб сезилмаган тармоқ қолмади, ҳисоб. Дунёда юзага келган пандемия эса рақамли технологияларга бўлган заруратни янада ошириб юборди. Бугунги кунга келиб барча соҳаларда одамлар замонавий тизим имкониятларига

мослашиб улгурди. “Рақамли” сўзини исталган тизим, хусусан, таълимга нисбатан қўллаш оммалашиб бормоқда. Аксарият таълим даргоҳларида аллақачон ўқув муассасасига кириб боришдан тортиб, талабаларни баҳолашгача бўлган жараённинг барчаси электрон тизим орқали амалга ошириляпти. Бундай инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда эса ёшларнинг улуши юқори.

▶ Давоми 6-бетда

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК МУҲИТИДАН ХАЛҚЛАРИМИЗ МАМНУН

Бошланиши 1-бетда



Мамлакатимизда 15 та тожик миллий маданият маркази миллатлараро ҳамжихатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Тожик тилида газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилмоқда. 255 та мактабда таълим тожик тилида олиб борилаётир. Бир қатор олий ўқув юртларида шундай факультетлар ва бўлинмалар фаолият юритмоқда.

Жорий йилда ушбу йўналишларга қабул ўринлари икки баробар ортади.

Мамлакатимизда кейинги йилларнинг ўзида тожик миллатига мансуб 130 фуқаро юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистонда икки халқнинг маданияти ва санъатини ўрганишга, ўзаро бойитишга катта эътибор қаратил-

моқда. Ўзбекистон Президентининг ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар бунга янада кенг имконият яратди. Хусусан, Маданий-гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги битим халқларимизнинг маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш, ёшларимизни умумий манфаатлар атрофида жипслаштиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларни кўзда тутади.

Учрашувда дунё шиддат билан ўзгараётгани, бизнинг минтақамизда ҳам хавфсизликка янги таҳдидлар юзага келаётгани кайд этилди.

— Биз тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва ҳамкорлик каби буюк неъматларни алоҳида қадрлашимиз ва мустаҳкамлашимиз, ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини тарбиялашимиз керак, — деди Ўзбекистон Президенти. — Саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирсакки халқларимиз учун тинчлик ва хотиржамликни, келгуси авлодларга фаровон ҳаётни таъминлашдек умумий мақсадга эришишимиз мумкин. Ишончим комилки, сиз, ижодий ва илмий соҳаларнинг ҳурматли вакиллари, ўзингизнинг бой билим ва ҳаётий тажрибангиз, ташаббускорлик ва ғайратингиз билан халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшасиз.

Президентлар “Арбоб” маданият саройини кўздан кечирдилар. Ушбу мажмуа 1959 йилда барпо этилган. У тожик халқи учун тарихий аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бу ерда мамлакат мустақиллигига доир муҳим қарорлар қабул қилинган. Бу ерда 1992 йилда — Тожикистон тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўл-

ган паллада Эмомали Раҳмон давлат раҳбари лавозимига киришган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида “Қайроққум гиламлари” корхонасини бориб кўрди.

Бу фабрика 1957 йилда ишга туширилган. 2019 йилда модернизация қилиниб, Германия, Италия, Япония, Хитой ва бошқа давлатлардан олиб келинган ускуналар ўрнатилган. Натижада маҳсулот сифати яхшилланган.

Ҳозир бу ерда йилига 3 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхона тулиқ қувватда ишлай бошласа, йилига 5 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрлаш имконига эга бўлади.

Қайроққум гиламлари Шарқ анъаналарини акс эттирувчи жозибadorлиги ва нақшлари билан машҳур. Шу билан бирга, авангард услубида гиламлар тўқиш йўлга қўйилган. Юқори сифати туфайли корхона маҳсулотлари турли халқаро мукофотларга сазовор бўлган.

Ўзбекистон Президентига корхонани ривожлантириш жараёни, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берилди.

Навбатдаги объект томон йўл олар экан, давлат раҳбарларининг кортежи Қайроққум сув омбори ёнида тўхтади. Президентлар сув омборини кўздан кечириб, суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон Сўғд вилояти Бобожон Ғафуров туманидаги “Ваҳдати миллат” боғига ташриф буюрди.

Сўғд вилояти Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, деҳқончилик учун жуда қулай. Бу ерда мева-сабзавотчилик ривожлан-

ган. Тожикистонда етиштирилаётган жами қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг қарийб 43 фоизи Сўғд вилояти ҳиссасига тўғри келади.

“Ваҳдати миллат” боғи 2008 йилда ташкил этилган. Унинг майдони 700 гектар бўлиб, шундан 500 гектарида мева дарахтлари ўтказилган. Боғ ҳудудида қарийб 300 тонна сифимли совутиш омбори ҳам бор.

2018 йилдан бошлаб бу ерда балиқ етиштириш йўлга қўйилган. Бугунги кунда тўртта ҳавзада оқ амур, хумбош ва сазан каби балиқ турлари кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Олий даражадаги учрашувлар чоғида бу борада кўплаб шартномалар имзоланган. Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи чоғида ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” қабул қилинди.

Президентлар боғда ташкил этилган Тожикистон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди. Мева-сабзавотларни ўзаро етказиб бериш, сақлаш ва экспорт қилиш бўйича соҳа мутасаддиларига кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи якунланди. Хўжанд халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кузатди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Хўжанд — Тошкент.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида тобора ривожланаётган дўстона муносабатлар минтақада ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда

Бошланиши 1-бетда



Пал Гёене, Будапешт бизнес мактаби доценти, Евроосиё ва Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт (Венгрия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ушбу ташрифи Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва умуман, Ўзбекистоннинг минтақалараро ҳамкорликни чуқурлаштиришга йўналтирилган фаол сиёсатининг аниқ-равшан далилидир.

Аввал бошиданок, Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати Марказий Осиё минтақавий ва яхши қўшничилик сиёсатидаги энг таъсирчан намуна сифатида ижобий ўзгаришларга олиб келди. Шавкат Мирзиёев Президент сифатидаги фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар пойтахтларига ташриф буюрди. Масалан,

2018 йил март ойда Ўзбекистон раҳбари Душанбега расмий ташриф билан борди, ўша йилнинг августида Президент Эмомали Раҳмон Тошкентга ташриф буюрди. Томонлар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги бундан кейинги стратегик ҳамкорлик янада кенг имкониятлар эшигини очишини теран англади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг тўрт давлатининг барчаси ва Афғонистон билан чегарадош бўлган ягона мамлакатдир. Очқўшқир сиёсатини юритаётган ва қўшни давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон, жумладан, ўзининг табиий бойликлари билан ҳам минтақавий интеграциялашувнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

батларининг мустаҳкамланишида алоҳида сермахсул аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқаларга асосланган муносабатлар сўнгги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончнинг юқори эканлиги билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда муваффақиятли ривожланаётган Ўзбекистон ва Тожикистоннинг яқин қўшничилик муносабатлари Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамкорликнинг янги муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан фаол илгари сурилаётган “Янги Ўзбекистоннинг янги минтақавий йўли”ни алоҳида таъкидлаш зарур. Мамлакат раҳбарининг қўшни давлатлар билан алмашувларни жадаллаштириш йўлидаги пухта ўйланган, энг муҳими, қатъий қадамлари Марказий Осиё давлатларининг яқинлашиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Корея Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги

ўзаро ҳамкорликнинг кўп томонлама тузилмаси бўлмиш котибиятимиз Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа барча давлатларнинг томонлар учун манфаатли бўлган соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиш борасидаги интилишларини юқори баҳолайди. Минтақа давлатларининг фаол ўзаро ҳамкорлиги хорижий ҳамкор давлатлар, хусусан, Корея Республикаси билан кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантириш имконини беришига ишончим комил. Бу йўналишда Жанубий Корея томони учун кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий механизми, шубҳасиз, “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форумидир.

Фурсатдан фойдаланиб, “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми котибияти минтақадаги давлатларни қизиқтирган соҳаларда янги лойиҳаларни амалга оширишга доимо тайёрлигини таъкидлашни истар эдим.

“Дунё” АА

МУНОСАБАТ

БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ШОХИ — ЎЗБЕК ВА ТОЖИК



Гуландом СУБҲОНОВА,
Республика тожик миллий маданий маркази раиси

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунлариданок бу риштаннинг янада мустаҳкам бўлиши учун ҳаракат бошлади. Ўзаро алоқаларда улкан ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 2017 йилда Тошкент-Душанбе авиақатновининг қайта йўлга қўйилиши, Ғалаба-Амузанг темир йўли тикланиши, Самарқанд-Панжикент халқаро йўли очилиши, икки давлат чегарасида 10 та назорат пункти янги бошлагани тарихий воқеа бўлди. Айниқса, 2018 йили Президентимизнинг Тожикистонга ташрифи ўзбек-тожик халқлари ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик, биродарлик ва ўзаро стратегик шериклик соҳаларидаги муносабатларда янги саҳифа очди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон-Тожикистон ўртасида чегараларнинг очилиши неча йиллардан буён бир-бирининг соғинган қанчадан-қанча ота-бола, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларни дийдорга етказди. Эсимда, ўша йиллари чегаралар очилишида бир-бирининг дийдорига ошиққан не-не қалбларининг учрашувига гувоҳ бўлдик. Кўзларимизга ёш қалқди. Ахир жигарининг тўю маъракасига етиб бормомаган, хаста бўлса, ҳолидан хабар ололмаган инсонларга чегаралар очилиши чинакам бахтиёрлик туйғусини ҳис қилиш имконини берди. Меҳр ришталари қайта боғланди.

Ўзбек ва тожик халқи бир ўзандан сув ичган, тарихи, тақдири, илдизи туташ эл, урф-одатлари, қадрияту анъаналари яқин. Шу боис, азалдан бу икки халқ ўртасида қуд-андачилик, қариндошлик алоқалари мустаҳкамланиб келган.

Бугунги кунда Хўжанд шаҳрида Ўзбек маънавияти ва маърифати маркази, маҳаллий университетда ўзбек филологияси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган илмий мактаб фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда барча миллат ва элатлар қатори тожик маданиятини сақлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда тожик миллатига мансуб 1 миллион 600 минг юртдошимиз истиқомат қилиб, иқтисодий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида таниқли олимлар, тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчилар, шифокорлар, турли даражадаги раҳбарлар бор.

Мамлакатимизда 15 та тожик миллий маданият маркази миллатлараро ҳамжихатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда. Тожик тилида газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилмоқда. 255 та мактабда таълим тожик тилида олиб борилади. Бир қатор олий ўқув юртларида тожик тилида таълим берадиган факультетлар ва бўлинмалар фаолият юритмоқда. Жорий йилда ушбу йўналишларга қабул ўринлари икки баробар ортади.

Мамлакатимизда кейинги йилларнинг ўзида тожик миллатига мансуб 130 фуқаро юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Бу Ўзбекистонда барча миллатлар қатори тожик халқига ҳам юксак эътибор қаратилаётгани, шароит ва имкониятлар баробар эканини намояндалар. Тожикистон халқи Ўзбекистон Президентини жуда ҳурмат қилади, доим меҳр билан тилга олади. Ташриф буюрса, юксак эҳтиром кўрсатилади. Бунга куни кеча давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташрифи тафсилотларини кузатиб борган ҳар биримиз гувоҳ бўлдик.

Президентимиз Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмонга тақлиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб,

икки мамлакат муносабатлари юксак даражага кўтарилганини таъкидлади.

— Биз ушбу ташрифга жуда жиддий тайёргарлик кўрдик. Худудлар форуми муваффақиятли ўтказилди, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган аниқ лойиҳа ва шартномалар имзоланди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида айтсак, биринчи бор Тожикистонда Ўзбекистон кинеси кунлари муваффақиятли ўтди, яқин орада мамлакатларимиз ёшлари Фаргона водийсида учрашади. Бир сўз билан айтганда, тарихий яқинлигимиз бугун ҳаётга кўчмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.


Президентимизнинг қўшни давлатга бу галги ташрифи ҳар қачонгидан самарали ва икки мамлакат, ўзбеги тожик халқлари учун манфаатли бўлиши шубҳасиз. Энергетика, транспорт, автомобилсозлик, электротехника, тоғ-кон ва енгил саноат, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларни қамраб олган жами 35 та ҳужжат имзоланганининг ўзиёқ бу ташрифнинг аҳамияти нечоғли улканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари ўзаро музокараларда замонavi хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасида, айниқса, Афғонистонда юзага келаётган вазият асносида ҳамкорликни кучайтириш бўйича ҳам аниқ келишувга эришгани бугунги давр учун муҳим аҳамият касб этади.

Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни Тожикистоннинг юксак мукофоти — I даражали “Зарринтож” ордени билан мукофотлади. Бу давлатимиз раҳбарининг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари эътирофи бўлди.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли тақдир туташ икки халқ дўстлиги, ўзаро ҳамкорлиги янада самарали бўлади, дўстлик ришталари мустаҳкамланади ва, шубҳасиз, бу муносабатлар дунё тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ



ҲАҚИҚИЙЛИК ВА СИФАТ КАФОЛАТИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Пойабзал харид қилиш ниятида дўконга кирдингиз. Пештахталардаги туфлилар бири-биридан бежирим. Буниси ўзимизники, нариги томондаги Италияники, бошқа бири Хитойники... Сотувчи уларни асл чармдан тайёрланган ва машхур бренд пойабзаллар сифатида таништиради. Ёрлиқлари ҳам шундан далолат беради. Лекин ҳақиқийлигига фақат сўз орқали кафолат беради.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳам ҳар бир пойабзалнинг сифати ва аслик даражасини аниқлаш имкони бўлиши кутилмоқда. Яқинда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, солиқ ва божхона идоралари, “CRPT Turon” масъулияти чекланган жамияти вакиллари ва юздан ортиқ тадбиркор қатнашган онлайн мулоқотда чарм-пойабзал маҳсулотлари учун аслик белгиси миллий тизимини татбиқ этиш ҳақида сўз борди.

Мутахассислар фикрича, унинг асосий мақсади истеъмолчи, бизнес ва давлат ўртасида ягона манфатли алоқаларни жорий қилишга қаратилган. Айнан “Asl belgisi” миллий тизими мамлакатимизга сохта ва контрафакт маҳсулотлар қириб келишининг олдини олади. Ҳар бир штрих код маҳсулотнинг сифат ва аслигини белгилловчи омил саналади.

Демак, чарм-пойабзал саноати ҳам яқин истиқболда мазкур тизимга ўтади. Бу, энг аввало, харидорга маҳсулотнинг аслик белгисини, у ишлаб чиқарилган давлат, тайёрлашда қўлланилган хомашё, саломатликка таъсири, яроқлилик мuddати тўғрисидаги маълумотларни бемалол олиш имконини беради.

— Тадбиркорларнинг ушбу тизимдан фойдаланиши пойабзал ишлаб чиқаришда сифатга алоҳида эътибор қаратиш, ўз брендини ҳимоя қилишга шароит яратади, — дейди “Ўзчармсаноат” уюшмаси матбуот хизмати раҳбари Феруза Маҳмудова. — Айни кезда брендининг сифатсиз контрафакт муқобилларини юртимизга олиб кириш ва олиб чиқиш устидан қатъий назорат қучайтиради. Бу эса, ўз навабатида, тармоқда соғлом рақобат муҳитини шакллантиради, сифатли маҳсулотлар кўпайишига олиб келади.

ТАЖРИБА ЎЗИНИ ТўЛА ОҚЛАДИ

Президентимизнинг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан, юртимизда маҳсулотларни рақамли маркировкалаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Унга кўра, 2020 йил август ойидан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартиби бўйича тажриба лойиҳаси амалга оширилди.

— Муваффақиятли ўтказилган тажрибалардан сўн 2021 йил 1 январдан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш бошланди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Музаффар Назаров. — Бунда ҳар бир жараён маҳаллий бозор шароити ва халқаро тажрибага таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача 200 миллион донага яқин тамаки, 125 миллиондан зиёд алкоголь маҳсулоти маркировкаланди.

Жорий йил 1 апрелдан маркировкалашнинг иккинчи босқичига ўтилди. МДҲ да биринчи бўлиб мамлакатимизда пиво маҳсулотлари рақамли маркировкаланган ҳолда ишлаб чиқарила бошланди. Ўтган икки ой мобайнида улар учун қарийб 17 миллионга маркировка коди берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 майдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба



лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, “CRPT Turon” МЧЖ “Asl belgisi” миллий ахборот тизими оператори ҳисобланади. Рақамли маркировкалаш ва кейинчалик товар айланмасининг барча босқичларини кузатиш тўғрисидаги маълумотлар “Asl belgisi” миллий ахборот тизимида жамланади ва қайта ишланади.

Истиқболдаги режага кўра, 2021 йил 1 июндан дори воситалари ва тиббий маҳсулотларни маркировкалаш бўйича тажриба лойиҳасига киришилди. Бу тажриба 15 июндан сув ва салқин ичимликларга, 1 августдан маиший техника воситаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

ТИЗИМ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Миллий ахборот тизимини жорий этиш ноқонуний ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган (контрабанда ва контрафакт) маҳсулотларга қарши самарали курашишга, шунингдек, хуфиёна бозорнинг қисқариши натижасида давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушуми миқдори ошишига хизмат қилади.

Бизнес вакиллари учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг охириги истеъмолчигача бўлган етказиб бериш жараёнини аниқ вақт режимида кузатиб бориш, аҳоли ўртасида харидорғирлиги, талаб ва тақлиф динамикасини ўрганиш, унинг истеъмолини сифатли прогноزلашга ёрдам беради.

Аҳолига эса сотиб олган маҳсулотнинг қонуний ишлаб чиқарилгани, ўзи ва яқинлари соғлиғига зиён етказмаслигига ишонч ҳосил қилиш, жамоат назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш имконини беради.



— Бунинг учун маркировкаланган маҳсулотлардаги QR-кодни ўқиш ва шу орқали аниқ вақт режимида ушбу маҳсулот ҳақида батафсил маълумотларни куриш имконини берувчи “Asl belgisi” номли бепул мобилъ илова ишлаб чиқилди, — дейди Музаффар Назаров. — Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан маркировкаланган ҳамда маркировкалаш режалаштирилган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар жамланган миллий каталог ишга туширилган.

БОШҚА МАМЛАКАТЛАРДА АХВОЛ ҚАНДАЙ?

Дунёнинг турли мамлакатларида маҳсулотларни маркировкалаш жадал кечаяпти. Масалан, АҚШ да бу соҳага масъул бўлган Озиқ-овқат ва дори-дармон бошқармаси (Food and Drug Administration — FDA) томонидан турли тармоқлар амал қилиши зарур бўлган мажбурий маркировкалаш стандартлари ишлаб чиқилган. Янгилықлардан бири — озиқ-овқат маҳсулотлари ёрлиғида унинг фойдали жиҳатлари ўз ифодасини топиши шарт. Ўтган йил 1 январдан бошлаб ушбу тамойил йиллик айланма маблағи 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган маҳаллий компаниялар ва импортёрлар учун мажбурий қоида саналса, шу йилдан бошлаб йиллик айланма миқдори ундан кам бўлган ишлаб чиқарувчилар учун ҳам қўлланила бошланди.

Яна бир жиҳати, АҚШ да 2013 йилда дори-дармонларни мажбурий маркировкалаш тўғрисида қонун қабул қилинган эди. Бироқ тизим 2023 йилдан тўлақонли ишлай бошлаши кутиляпти. Экспертлар фикрича, мазкур бозордаги контрафактлар улуши 10 фоизни ташкил этади. Ривожланиш босқичига ўтган Бразилияда эса дори-дармон, турли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларининг барчаси маркировка қилинган бўлиши шарт.

МДҲда маҳсулотларни кодлаштириш 2004 йилда Арманистон ва Беларусда бошланган. Хусусан,

Жараён

Беларусда янги тизим татбиқ этилгандан кейин сабзавот ва меваларни очиқ-ошқора сотиш улуши уч, кичик маиший техника улуши тўрт баробар ошган. Россияда рақамли маркировкалашнинг кенг кўламда жорий қилишга 2017 йилдан киришилди ва 2024 йилга бориб унга барча товарлар гуруҳларини жойлаштириш мўлжалланаяпти.

ЕВРОПА БОЗОРИГА ЙўЛ

СЕ маҳсулотга нисбатан 2008 йилдан буён қўлланиладиган махсус белги бўлиб, у Европа Иттифоқи қонун-қоидаларининг муҳим талабларига ва уйғунлаштирилган стандартларига мос келишини ҳамда товарнинг мувофиқлики баҳолаш тартибидан ўтганини тасдиқлайди. Бу белги айни пайтда маҳсулот истеъмолчилар соғлиғи учун зарарли (хавфли) эмаслигини кўрсатади ҳамда кўхна қитъа иқтисодий ҳудудига кириш эшикларини очади.

СЕ маркировкаси болалар ўйинчоқлари, тиббий буюмлар ва жиҳозлар, қўрилиш маҳсулотлари, босим остида ишлайдиган ускуналар, автомобиллар, радиоалоқа, телекоммуникация терминаллари асбоблари, кўтариш механизмлари ва лифтлар, шахсий ҳимоя воситалари, газ қурилмалари ва бошқа маҳсулотларни қамраб олган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги изолахотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишлаб 2020 йил 28 сентябрда Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда СЕ маркировкаси қўллашни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди идоралар томонидан маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга СЕ маркировкасини олишда амалий ёрдам кўрсатиб

келинмоқда. Натижада 2020 йилда 10 та, 2021 йилнинг май ойи ҳолатига 11 та корхона СЕ маркировкасига эга бўлди.

Ўтган йили бу белгини қўллаш орқали юз ниқоблари ишлаб чиқарувчи “Med protect technology” корхонасида бир юз эллик минг, “Quality Electronics” МЧЖда бир юз ўттиз саккиз минг, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқарувчи “Nur Muhammad Islom Obod” МЧЖ уч юз ўн минг, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Quality Device” МЧЖ бир юз эллик тўққиз минг долларлик маҳсулотларни хорижга экспорт қилди.

Экспортёр корхоналар фаолияти давлат томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда, стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш харажатлари қоплаб берилмоқда. Жорий йил якунига қадар яна ўнлаб маҳаллий корхонанинг СЕ маркировкаси қўйилган маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва географияси ошиши кутиляпти.

Ўзбекистон жорий йил 10 апрелдан бошлаб Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+)га кирди. Бу туфайли мамлакатимиз корхоналари Европа Иттифоқи бозорларига 3 000 га яқин турдаги маҳсулотни божхона тўловларисиз, 3 200 дан ортиқ турдаги товарни эса пасайтирилган ставкалар бўйича экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро экспертлар таъкидлаганидек, Ўзбекистон GSP+ тизимининг аъзоси сифатида маҳсулот линияларининг ундан икки қисмига тарифларни тўлиқ бекор қилиш орқали қўшимча иқтисодий имтиёзларга эга бўлади, бу эса ўз навабатида, экспорт ҳажмининг ўсишига ва мамлакатга қўшимча инвестициялар жалб этилишига хизмат қилади.

Шундай экан, яратилаётган имкониятлардан фойдаланишда рақамли технологиялар, жумладан, маҳсулотларни маркировкалашнинг аҳамияти катта. Бу тизим ички ва дунёнинг ҳар қандай бозориди маҳсулотларнинг ҳақиқийлиги ва сифати учун кафолат вазифасини ўтайди.

КУН МАВЗУСИ

ТАДБИРКОР БИЛАН ДўСТ БўЛИБ ИШЛАЙДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ



Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳақида кўп гапиряпмиз. Бу борада амалий натижалар талаб этилаётгани ҳам бежиз эмас. Боиси, одамлар ишли, доимий даромад манбаига эга бўлсагина, турмушида фаровонлик, мамлакатда ривожланишлар бўй чўзади.

Салоҳиддин САМАДОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижрочи директори

Бугун ҳудудларда тадбиркорлики ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес вакиллари қўллаб-қувватлаш аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг самарали усулларидан бирига айланган. Ахир, битта тадбиркорнинг муаммоси ҳал бўлса, эмин-эркин ишлашига шароит яратилса, бунинг ортидан ўнлаб, юзлаб одамлар ишли бўлади. Жойларда ишбилармонлар қанча кўп бўлса, аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси, иқтисодий ривожланиш, турмуш фаровонлиги шунча юқори бўлади.

Жорий йилнинг 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорлики ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари кичик ва ўрта бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга яна бир қарра эътибор қаратди. “Тадбиркорни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратмасак, тадбиркорларни кўпайтирмасак, шахар ва туманларда маҳаллий бюджет кўпаймайди-ку. Биз қанчалик кўп маблаг бермайлик, фармон-қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди”, — дея таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Бу ҳар биримизни, айниқса, масъул идора-ташқилотларни янада фаол бўлишга ундайди. Биз ҳам тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик йўлини белгилаб олдик. “Маҳаллабай” тизими асосида ҳудудларда тадбиркорлар, аҳоли муаммолари ўрганилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинмоқда. Жараёнда банкка бориш, кредит олиш масалаларида оворазарчиликларнинг олди олинди. Тадбиркор учун энг муҳим ҳисобланган вақтни тежашга эришилди.

Аҳоли, айниқса, аёллар бандлигини таъминлашда алоҳида йўналишларнинг жорий этилиши ҳам бугун ўз самарасини бермоқда. Биргина тикувчилик соҳасига кўплаб хотин-қизлар жалб этиляпти. Тошкент вилояти Пискент туманидаги Майлобод маҳалласида “Насиба Гавҳар” хусусий корхонасига 15 та тикув машинаси берилиши натижасида 15 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди. Ҳудди шу тартибда Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги Фаровон маҳалласида жойлашган “Lily textile sayxun” МЧЖ га Жамоат ишлари жамғармаси томонидан 420,0 миллион сўмлик 77 та тикув машиналари ижарага берилди.

Шу кунларда Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Феруза маҳалласида жойлашган “Style Nilufar” тикувчилик корхонасига 54 та, Андижон вилояти Асaka тумани Ҳамдўстлик маҳалласидаги “Ixlos Mega Tex” МЧЖ га 50 та тикув машинасини ижарага бериш кўзда тутилган. Ускуналар сонининг ортиши, иш қўламининг кенгайиши натижасида тадбиркорлик субъектларида янги иш ўринлари яратилади, маҳаллий бюджетга тушумлар кўпаяди.

Бандлик масаласи ҳақида гап кетганида уни ёшлар билан боғламаслигининг иложи йўқ. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиб бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захирамиз бу — тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир. Зеро, қуч-ғайратга тўла, билим ва ақлий салоҳияти юқори бўлган ёшлар қўллаб-қувватланса юқори марраларга эришади.

Ёшлар бандлигини таъминлашда натижага эришиш қатори ташкилотлар, давлат идораларидан ҳамкорликка иш юритишни талаб этади. Шу мақсадда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 2021 йил 3 мартда қўшма қарор имзоланди. Унга асосан, ҳудудий бошқармаларга 5 тадан жами 70 та, шахар, туман бўлимларига 3 тадан 618 та жамоатчи ёрдамчи бириктирилди. Жараёнларда умумий ҳисобда 700 га яқин ёшларнинг бандлиги таъминланди ва жамғарма томонидан ойлик маошлари молиялаштириб берилмоқда.

Эндиликда, бу ёшлар ўзлари каби қанчадан-қанча йигит-қизларни ишга жойлаштириш, субсидиялар ажратилиши, тўғарақларга жалб қилинишига ҳисса қўшмоқда. Хусусан, улар Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 230 нафарга яқин ишсиз ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган тикувчилик, ҳисоб-китоб, компьютер саводхонлиги каби касб-хунарларга жалб қилишда, шу йўналишда ўқишни тамомлаб махсус сертификат олишида бу йигит-қизлар яқиндан қўмакчи бўляпти.

Бир сўз билан айтганда, бугун тадбиркор билан дўст бўлиб ишлашнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Давлат тадбиркорга ҳар томонлама суянч бўляпти. Уларга қулай ижара шартлари асосида ускуналар тақдим этиляпти. Тадбиркор оёққа туриб, ходимлар ўз ишига қўнқунига қадар уларни қўллаб-қувватлаш жамғарманинг муҳим вазифаларидан бирига айланган.

МАҲАЛЛА РАИСИ – ИСЛОҲОТЧИ

ХАЛҚ ДАРДИНИ ЎЗИНИКИ ДЕБ БИЛГАНЛАР
ЭЛ МЕҲРИНИ ҚОЗОНАДИ

Бошланиши 1-бетда



ҚАЛОВИНИ ТОПСА, ҚОР ҲАМ ЁНАР

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Шош-тепа маҳалласи фақат кўп қаватли уйлардан иборат. 12 та 5 қаватли, 4 та 9 қаватли уйда жами 5539 киши истиқомат қилади. Ўзбек, қozoқ, қирғиз, уйғур, озарбайжон, тожиқ, афғон, рус, татар, украин, корейс каби миллат вакиллари бир оила аъзоларидек ҳамжиҳат ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг мақсадлари бир, ниятлари ўхшаш. Барчаси шу юрт, шу маҳалла ободлиги, тинчлиги учун ўзини масъул ҳисоблайди.

Маҳалла муҳити кўп жиҳатдан одамларга бошқош бўлаётган маҳалла раиси ва фаолларининг фаолиятига боғлиқ. 2016 йилда маҳаллага аввал қурилиш соҳасида фаолият кўрсатиб келган Алишер Юнусов раис этиб сайланди. Дастлаб ишни нимадан бошлашни, айлани қайси жиҳатга эътибор қаратишни билмай боши қотган раисга маҳалла фаоллари кўмакка келди. Аввал маҳалланинг молиявий аҳолини ўнглашга келишилди. Ҳомиллар жалб этилди. Шу тариқа ҳар бир муаммо бирма-бир ўз ечимини топиб бормоқда. Аҳоли раиснинг ишидан мамнун, шунинг учун 2019 йилги сайловда уни бегона қилишмади, қайта сайлашди.

Худуд кўп қаватли уйлардан иборат бўлгани боис, бу ерда иссиқхона ёки томорқа орқали тадбиркорлик қилиб бўлмайди. Демак, одамларнинг ўзини ўзи банд қилиши учун бошқа чора топиш даркор. Маҳалла раиси бунинг йўлини топди.

— Бугунги замон кечаги эмас. Одамлар ҳаракат қиляпти. Бир жойдан даромад топаётган оила яна қўшимча даромад топишга интиляпти. Ҳаракатда барака борлигини тушуниб қолдик, — дейди “Шош-тепа” МФЙ раиси Алишер Юнусов. — Давлатимиз раҳбари тинмай ишлаб, одамларнинг руҳини кўтарган, ишонч берган, халқ ҳам шунга яраша уйғонди. Ҳар биримиз тадбиркор бўлишга, жамиятда ўрнимизни топишга, бир-биримизга кўмак қилини чўзишга ҳаракат қиляпмиз. Беш қўл баробар эмас. Минг интиллиган билан ўзини тиклаб олишга қийналаган оилалар ҳам бор. Уларнинг қаддини давлат кўтаряпти, молиявий ва маънавий кўмак

берапти. Биз бу юмушларга кўмакчи сифатида Президентимизга бақамти ишляпмиз. Маҳалла фаоллари, раис ёрдамчилари — барчамиз бирлашиб, маҳаллаимизни ўзгартиришга эришяпмиз. Жорий йил бошида давлатимиз раҳбари Янгибўғ маҳалласида туманимиздаги маҳаллалар фаоллари билан учрашди. Шавкат Мирзиёев мазкур учрашувда маҳаллалар иқтисоди ўзгариши кераклигини таъкидлади. Шунда кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллалар қандай йўл тутаркинмиз, деб ўйладик. Маҳаллага тадбиркорлик субъектларини жалб этиш орқали масалага ечим топдик.

Қўбрай туманида тадбиркорлик билан шуғулланаётган Фарҳод Ҳасанов — маҳалладошимиз. Биз Фарҳоджонни ҳамкорликка чақирдик. Тадбиркор укамиз бу ерда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айлани пайтда цехда турли печенье маҳсулотлари тайёрланиб, халқимиз дастурхонига тортиқ этилаёттир. Энг муҳими 20 га яқин киши, хусусан, ёшлар иш билан таъминланди. Улар орасида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганлар ҳам бор.

Бугун мазкур цехда кунига 1-1,2 тоннагача маҳсулот чиқариляпти. Маҳсулотлар харидорғир. Ишчилар меҳнатига яраша ҳақ олади. Ҳар ой ишчиларда маҳалладан чиқмай 1,5 миллиондан 3 миллион сўмгача маош олиш имкони бор.

— Олдимизга қўйган мақсадларимиз бисёр, режаларимиз катта. Ишимизни кенгайтириш орқали ҳам ўзимизга, ҳам аҳолига фойда келтирмоқчимиз, — дейди Фарҳод Ҳасанов.

ТАШЛАНДИҚ ЖОЙ ЎРНИДА ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚАД РОСТЛАДИ

Шоштепа маҳалласи Тошкент шаҳрининг энг чекка ҳудуди. Маҳаллани Тошкент вилоятининг Қўбрай туманидан автомагистрал йўл ажратиб туради. Ёшларнинг тил ва ҳунар ўрганиши учун яқин-яқингача шароит йўқ эди. Яна тадбиркорлар жалб этилди. 2018 йили маҳалла раиси ташаббуси билан ташландиқ бино — эски дўкон ўрнида

ўқув маркази қад ростлади. Қўшимча хоналарга эҳтиёж сезилгани боис, пандемия пайтида кенгайтирилди. Новвойхона, стоматология хонаси, сартарошхона, қассобхона, сут-қатиқ маҳсулотлари ва ҳўжалик моллари сотиладиган дўконлар қаторида “Осиё билим” ўқув марказининг очилиши маҳалла аҳлини, жумладан, ёшларни қувонтирди. Маҳалладан 17 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Марказда айлани пайтда ўзбек тили ва адабиёти, рус, инглиз, араб, хитой, корейс тиллари, бухгалтерия сабоқлари, ментал арифметика, болалар учун мактабга тайёрлов, шахмат ва шашка, тасвирий санъат, мусиқа ва рақс каби курслар фаолият юртяпти. Камола Ваҳובה, Феруза Аҳмедова, Лариса Ким, Шаҳзода Юнусова каби маҳоратли педагоглар 200 дан ортиқ ўқувчи билим бермоқда.

— Ўқув марказимиз иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ, лекин ўз ўқувчиларини топди. Маҳалла ёшлари илмга чанқоқ, бир гуруҳнинг курси тугамасдан навбатдаги гуруҳ шаклланиб бўлади. Бунда, албатта, маҳалланинг эътибори ва қўллаб-қувватлаши бизга куч берапти, — дейди ўқув маркази директори Нилуфар Юсупова.

гуруҳига келганди, эндиликда араб тилини ўрганяпти. Ҳўзайфа эса рус тили, математика ва араб тили машғулотларига қатнашади. Бир оиладан икки ёки ундан ортиқ ўқувчи учун имтиёз берилади.

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ДАН ЧИҚҚАН АЁЛ ОИЛАСИДА ҲАЁТ ЎЗГАРДИ

“Аёллар дафтари” мамлакатимиздаги ижтимоий, иқтисодий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда назорат олиб боришда қўлай ва янги тизим бўлди.

Шоштепа маҳалласида истиқомат қилувчи Шахло Қўдратиллаеванинг турмуш ўртоғи ўтган йили айлани пандемия пайти вафот этди. Оиладдаги тўрт ўғил ёлғиз онанинг гарданида қолди. Уларнинг қорнини тўқлаш, устини бутлаш, таълим-тарбиясини назорат қилиш бирор жойда ишламайдиган

онамга оғирлик қилишини биламан, мустақил ишлаб, кўмак бермоқчи эдим. Бироқ маҳалла ёрдами билан бир йиллик контракт тўлаб берилган, ўқилиш бошладим. Бу йил эса ёзи билан ишлаб, контрактим учун маблаг ййғмоқчиман. Қолаверса, укам ҳам институтга ҳўжжат тайёрляпти. Унинг тайёргарлиги пухта, насиб қилса, давлат гранти асосида ўқимоқчи. Вақти келиб, бизга давлатимиз ва маҳалла томонидан кўрсатилаётган ёрдамни оқлаймиз — жамият қорига ярайдиган кадр бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз.

Маҳалла раиси ўринбосари Матлуба Набиқонованинг айтишича, Жавлон Баҳодиров “Ёшлар дафтари”га киритилади. Шу орқали унга яна кўмак бериш мумкин.

Шахло опа эса, бозорга ҳамир маҳсулотлари тайёрлаб сотишни йўлга қўйди. Унга юмушларни бажаришда ўғиллари ёрдам беради. Онанинг улар учун астойдил ҳаракат қилаётганини ҳис этишади. Ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, ййигтлар ўқиб, бирор ишнинг бошини тутса, оила даромадга қиради. Бугун эса маҳалла оиланинг оёққа туриб олишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

МАҲАЛЛАДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛ

Маҳалла ҳудуди обод бўлса, аҳоли кайфияти ҳам шунга монанд бўлади. Тоза ва обод жойда яшаш, ишлаш одамлар кайфиятини кўтаради. Уларнинг ҳаётида ўзгаришлар ясайди.

Шоштепа маҳалласи бу борада ҳам бошқаларга ўрнат бўларли. Анча йиллар эгасиз қолган маҳалла идораси янги биного эга бўлди. Замонавий, қўлай шароитларга эга бино маҳалла аҳолиси учун кечая кундуз хизматга шай. Айлани пайтда мономарказ, саломатлик йўлагини қуриляпти, ҳудуддаги 555-мактабга таълим ташкилоти таъмирланяпти.

Биз маҳалла идораси рўпарасида жойлашган МТТ да қилинаётган ишлар билан танишиш учун муассасга кирдик. Маҳалла раиси Алишер Юнусов қурилиш соҳасининг одами эмасми, ишнинг бошида ўзи турибди.

— Муассасамиз 1986 йили, ҳудуддаги кўп қаватли уйлар қад ростлаганида қурилиб, фойдаланишга топширилган, — дейди муассаса директори Зулфия Жалолова. — 420 ўринга мўлжалланган бинода 428 нафар бола ўзбек ва рус тилида, 14 гуруҳда таълим-тарбия олмақда. Ой сўнгига қадар ишларимиз якунланади. Яна болажонлар сеvimли масканлари бағрига қайтади. Ёзги соғломлаштириш мавсуми уларга қувонч улашади. Боғча очилишини тарбиячилар ҳам, ота-оналар ҳам болалар билан бирдек қутяпти.

Халқ дардини ўзиники деб билганлар, бегона санамаганлар эл меҳрини қозонади, оғизга тушади, олқий олади. Алишер Юнусов ҳам мазкур ҳудуддаги кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилганда илк кўчиб келганлардан. Шу боисми, маҳаллага, одамларга меҳри бўлак.

Маҳаллада туғилган илк фарзанд унинг қизи экан. Маҳалла барпо бўлгандан буён барчага таниш Алишер акага одамларнинг ҳам ҳурмати баланд. Ҳар бир ишда раисга камарбаста. Катталар маслаҳати билан, ёшлар меҳнати, ташаббуси билан унинг ёнида. Маҳаллага “намунали” сифатининг берилиши ҳам ана шу ҳамжиҳатлик туфайли.

ПРЕЗИДЕНТ ҚОЙОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

АСАЛ — ШИФО ВА ДАРОМАД МАНБАИ

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Асалари она табиат томонидан инъом этилган мўъжиза. Болари экин ҳосилдорлигини ошириб, биологик хилма-хиллики таъминлайди, мевалар сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ушбу неъмат таркибиди ферментлар, витамин ва микроэлементларга бой бўлиб, болаларни ақлий ривожлантириш, жигар, ошқозон, тери, юрак-қон томир касаллиги, асаб ва бошқа кўплаб хасталикларни даволашда яхши самара беради.

Фарғоналик асаларичилар ўтган йили Жанубий Кореяга 10 тонна асал экспорт қилди. Ваҳоланки, кейинги чорак аср давомида вилоятдан хорижга бир килограмм асал жўнатилмаганди.

Эндиликда вилоятда асалари пакетлари экспорти қанча йўлга қўйилди. Баҳорги мавсумнинг ўзида салкам 75,5 минг дон асалари пакети Россия ва Қозоғистонга сотилди.

Президентимиз 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига амалий ташрифи чоғида асаларичиликни ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан зарур кўрсатмалар берганди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармогини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳам соҳани ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари аниқ қайд этиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаган ва қарорда белгилаб берилган амалий тақлифлар Фарғона асаларичилик мактабида янги йўллар очди. Асал етиштириш микдорини кўпайтириб, сифатини яхшилашга имконият яратди.

Тармоқ фаолиятида унинг насли зотларини кўпайтириш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда Украинадан карпат, Германиядан карника зотли она арилар келтирилиб, кўпайтирилди. Бу асалари зотлари маҳсулдорлиги, турли касалликларга чидамлилиги, иқлим шароитларига тез мослашувчанлиги билан ажралаиб туради.

Эндиликда вилоятда она асалари ва унинг сути ички бозор ва қўшни мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ўтган йили 20 минг дон асалари уяси, асаларичилар учун 10 минг дон махсус кийим ва юз ниқоблари, асаларилар учун зарур бўлган 15 тоннадан ортиқ мум-парда ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, бир кеча-кундузда 200 килограмм асал қадоклашга ихтисослашган замонавий қорхона ишга туширилди.

— Асаларичиликни ривожлантиришда давлатимиз раҳбарининг “Республикамизда асаларичилик тармогини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди вилоят асаларичилар уюшмаси раиси Шерзод Суяркулов. — Шу кунга қадар вилоятимизда 1 435 дан зиёд асаларичилик субъекти рўйхатга олинди. Асаларининг насли зотларини кўпайтириш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасида амалий ишлар олиб бориляпти.

Уюшма ҳудудидидаги тажриба боғида мева ва ёввойи ўсимликларни парваришланмоқда. Мазкур бoғ меваларни асаларилар ёрдамида чанглатиш устида янги тадқиқот, тажриба ўтказиш майдонига айланган. Бу усулда иш олиб бориш экинларни ривожлантириш, ҳосилдорлигини ошириш, экологик тоза маҳсулот етиштиришда яхши самара бермоқда.

Фарғона давлат университетидида зоотехния факультети фаолият кўрсатиб келяпти. Бу ерда 60 нафар талаба асалари биологияси, селекцияси ва наслшунослиги, асал маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологиялари йўналишларида билим олмақда. Улар уюшма ўқув марказидаги цехларда амалий дарслар ўтказишади. Асални қадоклаш усуллари, мум-пардани ишлаб чиқариш технологияси, киши озуқа ва унинг оптимал таркиби, асалари уясининг ҳар хил турларини тайёрлаш борасидаги назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб бормоқда.

2017-2020 йиллар давомида Фарғона вилояти асаларичилар уюшмаси қошидаги Ўқув марказида мингдан зиёд асаларичи ўқитилди ва малака оширди. Шунингдек, уюшмада чет эллик олимлар билан учрашувлар, маҳорат дарслари ва лекциялар ташкил этилди.

Асаларининг бақфаст зоти селекционери германиялик Вольдемар Кох она асаларилар тўғрисида ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. Карпат зоти асосчиларидан бири, украинлик олим Василь Гайдар зотни яхшилаш, парваришлаш ва она арилар билан ишлаш борасида маҳорат дарси ўтказди. Бундан ташқари, Россия ва туркиялик соҳа вакиллари асалари дунёсидаги ўзгариш ва янгиликлар ҳақида маълумотлар беришди.

Данғара туманидаги “Агросаноат” касб-ҳунар коллежини тамомлаган Абдурахмон Мўминов ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмади. Ана шундай кўнларнинг бирида бу хонадонга маҳалла фаоллари келишди. Оиланинг ҳолатини ўрганган фаоллар “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида асалари парваришлашни тақлиф қилди.

— Асосий эътиборимизни асалари оилаларини кўпайтириш, маҳсулот ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашга қаратяпмиз, — дейди ёш тадбиркор. — Томорқамизда 30 та асалари оиласи бор. Яхши парваришланган битта асалари оиласи 10-15 килограммча асал беради. Бир килограмм маҳсу-



лотнинг баҳоси 50-55 минг сўм эканини ҳисобга олсак, оилавий даромадимиз чакки бўлмайди. Бу йўналишда ишлаш истагида бўлган қўни-қўш-ниларга асалари пакетлари етказиб беришми. Бу ҳам даромад.

Чекка қишлоқнинг оддий йигити бу ҳунар этагини тутиб, кам бўлгани йўқ. Ҳалол меҳнат ортидан топилаган даромад оила қорига ярамқда.

— Шу йилнинг ўзида “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”га киритилган 15 оилага 281 та асалари оиласи етказиб бердик, — дейди “Қўқон асаларичилик Агро” МЧЖ раҳбари Қаномиж Дадабоев. — Асаларичиларни керакли жиҳозлар билан таъминляпмиз, уларга янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, маҳсулот сотиш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларимизни бериб боришми. Ўтган йили бу йўналишда иш олиб бориш

истагида бўлганларга 5 000 та асалари оиласи тарқатилди.

Соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган муҳим ишлардан яна бири — асаларилар учун табиий нектарга бой озуқа экинлари майдонларини кўпайтиришдан иборат. Чотқол ва Қўрама тоғ тизмаларида ўсадиган зирк, наъматак, дўлана, далачой, жийда, қаштан қаторида япон сафораси, фатеслия, синяк, донник, Россия ўсмаси, беда сингари бутасимон ўсимликларни маҳаллий шароитда парваришлаш йўлга қўйилди. Ғўза гули, полиз экинлари ҳам бу борадаги ишларда муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун вилоятда соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юрт ободлиги, халқ фаровонлигини йўлида хизмат қилишга асло шубҳа йўқ.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ — АМАЛДА

ОРОЛБЎЙИ — ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН ИЛК МИНТАҚА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти ўз чиқишида мазкур ташаббус юқори технологияли инновациялар, экологик тоза, энергия, сув тежайдиган технологияларни яратиш ва татбиқ қилишга инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг қўллаш, тупроқ деградацияси, чўлланиш ва экологик миграциянинг олдини олиш, экотуризмни ривожлантириш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганини таъкидлаганди.

Ўтган вақт мобайнида ташқи сиёсат маҳкамаси, хориқдаги элчихоналаримиз ва Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий ваколатхонаси томонидан республикадаги барча манфаатдор вазирликлар билан биргаликда давлатимиз раҳбари ташаббусини амалга ошириш доирасида кенг қўламли ишлар олиб борилди.

2019 йили Нукусда бўлиб ўтган иқлим ўзгариши, исил ва сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга бағишланган халқаро конференцияда резолюция лойиҳаси тақдим этилди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш форум иштирокчиларига видеомурожаатида Орол денгизи инқирозини замонамизнинг энг катта экологик офатларидан бири, деб атади. COVID-19 пандемияси сабаб БМТ Бош Ассамблеяси фаолиятидаги жиддий чекловларга қарамай, қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, чет элдаги дипломатия ваколатхоналаримиз томонидан резолюциянинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида БМТга аъзо давлатлар билан қўллаб-қувватлашга ўтказилди, юқори даражадаги форумлар, БМТ асосий тузилмаларининг янги ва махсус йиғилишларида унинг долзарблиги таъкидлаб ўтилди.

Резолюция матнини келишиб олиш учун БМТ аъзоларини кенг жалб этган ҳолда қатор норасмий маслаҳатлашувлар ташкил этилди. Ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда фаол иштирок этган Осиё-Тинч океани минтақаси, Европа, Африка, Лотин ва Шимолий Америка давлатлари делегациялари Ўзбекистон Президентининг ташаббусини юксак баҳолади, шунингдек, унинг нафақат Марказий Осиё, балки бошқа мамлакатлар учун ҳам ўта муҳимлигини эътироф этди.

Бош Ассамблея қабул қилган махсус резолюция: — Оролбўйи минтақасидаги экологик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни яхшилашга қаратилган минтақавий тадбирлар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашини эълон қилади.

— Бундан буён ҳам Оролбўйи минтақаси табиатини тиклаш ва яхшилаш, табиий ресурсларни сақлаш ва аҳоли ҳаёт сифатини ошириш йўлидаги илмий-тадқиқот маслаҳатлашув фаолиятини рағбатлантиради.

— Орол денгизи инқирози оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, денгизнинг қуриб қолган тубида туз, чанг-тўзонни узатишга мойил бўлган қум уюмларида ўрмон мелиорацияси усулларини барқарор қўллаш йўли билан чўлланганининг олдини олиш, салбий экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатларни юмшатиш бўйича биргаликдаги тадбирларни амалга ошириш йўлидаги минтақавий ҳамкорликни фаоллаштиради. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, экотуризмни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим эканлигини таъкидлайди.

— БМТга аъзо давлатлар, ташкилот тизимидаги жамғармалар, дастурлар ва тузилмалар, халқаро молия институтлари, бошқа манфаатдор томонларни 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибига мувофиқ Оролбўйи минтақасида фанларга тадқиқотлар ўтказиш, илмий-инновацион ҳамкорликни амалга ошириш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, инклюзив ва экологик барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда энергия, сув тежовар технологияларни қўллашга туртки беришга чақиради.

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновацион маркази ташкил этилиши ва Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳалокатнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича Кўп томонлама шериклик траст жамғармаси таъсис қилиниши БМТ томонидан юқори баҳолангани ва қўллаб-қувватлангани ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан бундан олдин тақдим этилган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисида”-ги ва “Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва барқарор туризм тўғрисида”ги резолюциялар ҳам бир овоздан маъқуллангани эътироф этилди.

Қайд этиш жоизки, Оролбўйи БМТ томонидан Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деган муҳим мақомга эга бўлган биринчи минтақага айланди. Президентимизнинг мана шундай ҳудудни яратиш бўйича ташаббуси 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш

йўлидаги умумий саъй-ҳаракатлар доирасида дунёнинг турли минтақаларида ҳам татбиқ этилади, десак муболага бўлмайди. Ҳужжат БМТга аъзо давлатлар, фондлар, дастурлар ва агентликлар, халқаро молия институтлари, бошқа манфаатдор томонларни Орол денгизи минтақасида барқарор ва инклюзив ривожланишни таъминлаш учун экологик, энергия, сув тежайдиган технологиялар ишлаб чиқиш ва жорий этишга даъват этади.

Айтиш жоизки, Орол денгизининг қуриган майдони 4,5 миллион гектарни ташкил этади. Бу майдоннинг 2,2 миллион гектар ҳудуди Қозоғистонда, 2,3 миллион гектар ҳудуди Ўзбекистонда жойлашган. Ҳар йили қуриган денгиз тубидан 100 миллион тоннагача туз чанги кўтарилиб, узоқ масофаларга етиб бормоқда. Бу минтақа аҳолиси саломатлиги, табиат ва иқтисодиётга тузатиб бўлмас зарар етказмоқда. Шу муносабат билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Орол муаммоларини ҳал этишга қаратилган ёндашувларда туб ўзгаришлар кўзда тутилган эди.



Хусусан, глобал иқлим ўзгариши, Орол денгизи қуриши оқибатларининг қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва одамлар ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланганди. 2017 йил январь ойида ушбу вазифаларни бажариш доирасида 2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Ўша йили ушбу жараёни ишончли ва барқарор молиялаштиришни таъминлаш учун Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича қўмита тузилди. Шунингдек, табиий офат оқибатларини юмшатиш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда маҳаллий аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган қарийб 800 миллион долларлик 67 та лойиҳа амалга оширилган.

Сўнгги маълумотларга кўра, Орол денгизининг қуриган тубидаги ўрмон плантацияларининг умумий майдони 1,2 миллион гектарга етган. 2018 йилда 10 йиллик танаффусдан сўнг Туркменистонда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон раҳбари мазкур тузилмани минтақа давлатлари ўртасида ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг ягона таъсирчан механизми бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Минтақада ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган амалий чора-тадбирларга алоҳида тўхталиш жоиз. Гап инновацион лойиҳаларнинг ягона рўйхатини шакллантириш ва улар учун муқаддатли имтиёзли кредитлар, грантлар ажратиш, шу мақсадда Ўзбекистон Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил қилиш, денгизнинг қуриган

тубида саксовул қўчатлари экиш ҳақида кетмоқда. Саксовулзорлар қум ва туз қатламларини ушлаб қолиш, тупроқ таркибини ўзгартириш, биологик хилма-хилликни қайтариш ва бошқа тадбирларга ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёев юксак минбарлардан туриб жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор денгизнинг қуриши натижасида келиб чиқаётган оқибатларни бартараф этиш учун халқаро саъй-ҳаракатларни фаол равишда бирлаштиришга чақирди. 2017 йил Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида Орол денгизи харитасини ва унинг фожиаси қўламини аниқ намойиш этди. Ўзбекистон раҳбарининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасини ташкил этиш бўйича ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани жуда муҳим.

Орадан бир йил ўтиб, 2018 йил 27 ноябрь куни Нью-Йоркда БМТ Бош қароргоҳида Траст жамғармаси ишга туширилди. 2019 йил Нукус шаҳрида БМТ шафелигида бўлиб ўтган юқори даражадаги халқаро конференция ҳам ана шундай муҳим воқеалардан бири. Конференцияда халқаро ҳамжамиятнинг экологик фалокат оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги билан боғлиқ долзарб масалалар кўтарилди. Ушбу анжуман ва бошқа тадбирлар қисқа вақт ичида зарур сармояларни жалб қилишга ва Траст жамғармасининг фаол иш бошлашига имкон берди.

Бугунги кунда жамғарма томонидан 26,1 миллион доллар миқдоридан мабнаг тўпланган. Кейинги 5 йил ичида минтақада янги иш ўринлари яратиш, табиий офатлар зонасида ижтимоий ва табиий шароитларни яхшилаш учун яна 123,2 миллион доллар жалб



этиш режалаштирилган. Жамғарма Оролбўйи аҳолисига жаҳон ҳамжамияти томонидан амалий ёрдам беришга қаратилган йирик ва узоқ муқаддатли лойиҳаларни амалга ошириш учун муҳим халқаро майдончага айланган. Ривожланиш бўйича шериклар — Европа Иттифоқи, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, БМТнинг Атроф-муҳит дастури, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги, қатор мамлакатлар вакиллари Оролбўйи минтақаси барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирмоқда. Мазкур долзарб масала минтақа давлатлари раҳбарларининг диққат марказида. Хусусан, 2018 ва 2019 йилларда Нур-Султон ва Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувларида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари қабул қилган ҳужжатларда бошқа долзарб масалалар қатори Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам қўриб чиқилди.

Бугун сўз Орол денгизининг қуриб қолиши билан боғлиқ оғриқли оқибатларнинг одамлар ҳаётига таъсирини бартараф этиш тўғрисида кетмоқда. Денгизнинг ҳалокатига инсон сабабчи бўлган, бироқ айнан унинг ўзи ушбу минтақадаги ҳаётни яхшилашга қодир. Собиқ денгиз тубида бўй ростлаётган дарахт ва бутазорлар бундан дарак беради. Минтақа кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда, одамлар тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда, замонавий уйлар, йўллар, мактаблар, шифохоналар қурилмоқда. Бу ерга келаётган хорижий сармоядорлар, сайёҳлар сонини кўпайтarmoқда. Буларнинг барчаси Оролбўйи минтақаси қайта тикланаётгани ва катта истиқболларга эга эканидан далолатдир.

ЗАМОНДОШ

ДИЛФУЗА ОПАНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛДИ

Дилфуза опа Иноқова Пискент тумани марказидаги “Мўминобод” маҳалласида яшайди. Синовларда тобланган, турмушнинг залворли юкидан қадди букилган бу аёл ҳаётига ҳам мазмун инди, икки йилдирки бахт, роҳат-фароғатни ҳис этиб яшайпти.



ҲАЁТ МАШАҚҚАТИ ВА ТАҚДИР БИТИГИ

Чоғроқ ҳовли четидаги тут дарахти соясида жуссаси чўкиб, ҳаёлга берилган Роҳат бувининг кўнгли эзилади. Ҳар куни қизининг, икки неварасининг тақдирини ўйлайди.

Дилфуза опа 2-3 ёшли гўдак вақти аравачадан йиқилиб, бел ва елка қисмига жиддий шикаст етганди. Ота-онаси даволатишга роса ҳаракат қилди. Тошкентдаги травматология институтида ойлаб муолажа олдинди. У вақтларда ҳозирги тиббиёт қаёқда, дейсиз. Шифокорлар жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин, аммо асаб тоналарида жиддий шикаст етиши оқибатида руҳий зўриқиш кузатилиши, шол бўлиб қолиш эҳтимоли борлигидан ҳам огоҳлантирди. Буни эшитган ота-она таваккал қилолмай, операциядан воз кечди...

Шу тариқа мурғак қизнинг бола қалби ўқсиб вояга етди. Лекин иродаси тоблана борди, қийинчиликларга чидашга, яшаш учун курашга ўрганди. Турмушга чиқди. Бахтли кунлар эди, аммо яна бир мусибатга йўлиқди. Оғир хасталик туфайли турмуш ўртоғи вафот этди. Ундан ёдгор бўлиб бир ўғил, бир қиз қолди.

Опа кўп қайғурди, начора, энди фарзандлари учун ҳам яшаши, меҳнат қилиши керак.

— Фарзандларимни бағримга босиб, туни билан йиғлаб, ўйлаб чиқардим. Лекин кўз ёши билан ҳеч нарсаси қилиб бўлмаслигини англаб, ҳаракат қила бошладим, — дейди Дилфуза опа.

Тикувчиликдан топган пули рўзгорни аранг тебратилишга етарди. Ҳаёт бешафқат, Аллоҳ суйган бандасига дард ҳам берар экан. Дилфуза опанинг кекса онаси тўшакка михланиб қолди. Энди онасига қараши керак, тикувчилик қилишга эса шароит, имкон қолмади. Нафақа пули ўзининг дори-дармони, икки фарзандининг эҳтиёжи ва бетоб онасининг харажатларига “урвоқ” ҳам бўлмайди.

Қизи мактабдан ўқсиб келса, ўғли кўчага чиқишга ийманарди. Онасининг эса дарди ичиди.

“Шу кунлар ҳам бормиди, қизим кун сайин чўкиб боряпти. Тўй-ҳашамга бормайди, тузукроқ кийими ҳам йўқ. Ўғли билан қизининг ўқишига зўрға пул топиб турибди. Дард устига мен ҳам ортиқча ташвиш бўлдим. Бошқаларга ўхшаб еб-ичадиган, ўйнаб-қуладиган кунлар ҳам бормикан шўрлик пешонасида”, деб ўйларди Роҳат буви.

Бу кунларда эса мамлакатда янги ислохотлар даври бошланган эди. Бир куни эрта тонгдан дарвоза тақиллади...

ЁРУҒ КУНЛАР ЭШИҚ ҚОҚИБ КЕЛДИ

Қутилмаган йўқловдан Дилфуза опанинг юраги шув этди. “Сувданми, электрданми? Ёки тунов куни дўкондан қарзга ун олган эдим, шуни сўраб келдимикан”, деб ўйлади.

Дарвозада маҳалла раиси билан яна аллақимлар турарди. — Бу киши туманимиз ҳокими, булар банк мутасаддилари, молия таъминотчилари, — дея таништирди раис бува. — Сизнинг ҳолингиздан хабар олгани келдик.

Дилфуза опа шу пайтгача бировга дардини айтмаган, маҳалладан ҳам, ҳокимдан ҳам ёрдам сўрамаган эди. Шу боис, буларнинг мақсадини яхши тушунмай турди. Ҳар қалай уйга таклиф қилди...

Хуллас, опага “Микрокредитбанк”дан 28 миллион сўм кредит ажратилди. Мақсад ҳам аниқ эди: нон маҳсулотлари ва ширинлик пиширадиган печ сотиб олади.

Опанинг матонати, мақсад сари интилиши билан ишлар ҳам юришиб кетди. Тез орада опа нон ва ширинликлар ишлаб чиқарадиган яхка тадбиркор сифатида танилди. Бугун маҳалладошлари уни меҳнаткаш, оқила ва тадбиркор аёл сифатида хурмат қилади.

Кредитга олинган битта печ билан бошланган иш бугун анча кенгайибди. Уй айвонида печ, ҳамир қорадиган ускуна жойлашган. Янги пишган нон ва ширин кулчапар иси уфурган озода цех. Ўғли онасига ёрдамчи, она-бола гурунглашиб, нон ясайди.

Яқинда туман ҳокими яна опа билан суҳбатлашди. Энди опа пиширган маҳсулотларини сотиши учун замонавий дўконга эҳтиёж бўлаётгани ҳақида гапирди. Ташаббус қўллаб-қувватланди. Опа учун серкатнов йўл ёқасида енгил конструкцияли шинамгина дўкон қуриб берилди. Иссиқ, ширмоқ, пивзгли нон ва кулчапарнинг харидори кўп.

— Маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлаётганидан хурсандман. Меҳнатимизга, насибамизга яраша даромад қилияпмиз. Гарчи жисмоний камчилигим бўлса-да, кўп қийинчиликларни кўрганамизга қарамай, ўзимни омадли, бахтли инсон, деб биламан. Ҳамиша Аллоҳдан бировларнинг қўлига қаровчи эмас, аксинча, ёрдам берувчилар қаторида бўлишни сўраганман. Бу ниятимга бугунги ислохотлар орқали эришдим. Қизим ҳам бўй етиб қолди. Сепини йиғяпман. Насиб қилса ҳали тўйлар қиламиз, — дейди Дилфуза опа.

БАХТЛИ ИНСОН ЙЎҚДИР ОНАМДАЙ

— Онам бизни вояга етказаман, деб кўп қийналди. Қаттиқ эзилардим, лекин чорасиз эдик. Мана, ёруғ кунлар ҳам бор экан пешонамизда. Биқизи қўллаб-қувватлаган давлатимизга минг раҳмат. Оиламиз тўқис, онамнинг юзига қон югурган, қайфияти кўтаринки. Бугун онам бечора эмас, улардек бахтли инсон йўқ, — дейди Дилфазуза.

Кун пешиндан оққан. Роҳат буви тут дарахти тағида сўрида ўтирибди. Энди кўнгли тўқ, қизининг тақдирдан ҳам, набиралари келажагидан ҳам. Шундай хурсандчиликларга етказганига, тинч-осойишта ўтаётган кунларига шукр қилиб дуога қўлини очади: Аллоҳим, халқимизга соғлиқ-омонлик, юртимизга тинчлик, ислохотларимиз бошида турган раҳбарларга куч-қувват ато эт. Бу вақтда Дилфўза райхонларга сув сепар, онаси янги узилган нонни дўконга олиб чиқиш учун шошилар, ҳовлини эса нон ва райхон иси тутган эди...

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири.

30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

ИЛМ-ФАНДА ЯНГИЛИК ҚИЛИШ ИСТАГИ

ЭРТАГА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ҲАМДА ЙИРИК КАШФИЁТЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугунги замон барча соҳалар қатори илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Шу боис, Президентимиз Учинчи Ренессансни рўёбга чиқариш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу кўп жиҳатдан илм-фан тараққиётига, ёшларнинг билими, дунёқараш, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда илм-фан, таълим тизими-ни ислоҳ қилиш, ёшларнинг илмий янгиликлари, ташаббусларини

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан мамлакат ёшлари орасида ўз истеъдоди, юсак тафаккури билан илм-фанда янгилик қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, мамлакат ривожига ҳисса қўшиш истагида тинмай илланаётган, ана шу ҳаракатлари эвазига катта ютуқларга эришаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар орасида, айниқса, илмий ихтиролар қилишга интилаётганларнинг кўплиги қувонарлидир.

КОСОНСОЙЛИК ЁШ ЎҚУВЧИ МИНИТРАКТОР ЯСАДИ, МЕҲНАТЛАРИ ЭВАЗИГА “СПАРК” ХАРИД ҚИЛДИ



У мактабда аъло баҳолар билан ўқийди. Айниқса, физика ва математика фанларига қизиқиши юқори. Бу қизиқиш уни техник ихтиролар қилишга ундади. Бир йилдирки, отаси Умаржон Йўлдошев кўмагида минитракторлар ясаб келмоқда.

У ясаётган минитрактор чопиқ ва ҳайдов каби қишлоқ хўжалиги юмушларини бемалол бажара олади. Ихчам бўлгани сабабли ундан кичикроқ томорқаларда ҳам фойдаланиш мумкин. Яна бир афзаллиги, кам ёқилғи сарфлайди. Бу техникадан мамлакатимиз далаларида — қишлоқ хўжалигида фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Ҳар бир тракторни тайёр ҳолга келтириш учун эҳтиёт қисмларга ўртача 10-12 миллион сўм атрофида харажат қилинаётган бўлса-да, ихчам, қулай ва иш самарадорлиги яхши бўлган қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳар бири 20-21 миллион сўмдан сотилмоқда.

— Отам билан ўтган қисқа вақтда жами тўққизта тракторни тайёр ҳолга келтириб,



саккизтасини сотишга улгурдик, — дейди ёш ихтирочи. — Аввалига буюртмалар Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидан бўлса, энди Тошкент вилоятидан ҳам харидорлар чиқапти.

Энг муҳими, узоқ изланишлар, ҳалол меҳнат ўз самарасини берапти, ёш ихтирочи оиласига мўмай даромад келтириб, рўзгорига барака олиб қирмоқда. Ота-бола ихтирочилар бугунга қадар сотилган минитракторлар фойдасига “Спарк” автомобили харид қилишди.

Ёш техника устасининг оруз-интилишлари, изланишлари уни келажақда бундан ҳам катта ихтиролар қилишга ундайди.

20 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ДАРОМАД ТОПАЁТГАН МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ

Ургут туманидаги 1-ўрта таълим мактаби битирувчилари Рустам ва Бекзод Исмоиловлар ҳали ёш бўлишига қарамай, бир неча йиллардан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Улар ака-укаларнинг фарзандлари.

Бугунги кунда ҳар бирининг даромади мавсумга қараб 20 миллион сўмгача етиши мумкин. Гап шундаки, улар цехда 15 турдаги ўйинчоқ машиналар ишлаб чиқармоқда. Ёш тадбиркорлар ишчиларга 2 миллион сўмгача ойлик маош тўламоқда.



ЎҚИШ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Жорий йил 20-26 апрель кунлари 28 та давлат ўқувчилари ўртасида онлайн тарзда ўтказилган 55-халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон шарафини 7 нафар ўқувчи химоя қилиб, уларнинг барчаси ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олди. Яқиний натижаларга кўра, Ватанимиз шарафини химоя қилган ёшларимиз 1 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медал билан тақдирланди.



Улар орасида Бухоро шаҳридаги 35-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Фирдавс Собиров ҳам бор. У Халқаро Менделеев олимпиадасининг олтин медалини қўлга киритди.

— Мен эришган бу ютуқларда ҳам онам, ҳам устозларимнинг катта хиссаси бор, — дейди Фирдавс Собиров. — Аввал онам бошланғич синфдан менга сабоқ бериб, илмга ҳавас уйғотди. Мактабимизнинг олий тоифали кимё фани ўқитувчиси, устозим Амин Саидов эса мен билан астойдил ишлаб, ушбу олимпиадага пухта тайёрлади. Эришган муваффақиятимда ҳар иккисининг ўрни бекйёс. Қолаверса, бу ютуқлар бугунги кунда мамлакатимизда биз ёшларга берилаётган эътибор, таълим сифатини ошириш борасидаги ислохотлар самарасидир. Келажақда ўз соҳам бўйича илмий изланишлар олиб бориб, мамлакатимиз кимё саноати ривожига ҳисса қўшмоқчиман.

Гурлан тумани Гулистон қишлоғидаги 33-умумтаълим мактабининг немис ва инглиз тили фанлари ўқитувчиси Оғулнур Атаева ҳам ёш бўлса-да, илми, заковати билан қатор ютуқларни қўлга киритиб келаётган ёшлардан. Қирқдан зиёд илмий рисола, бир неча китоб муаллифи бўлган Оғулнур Атаеванинг ишлари халқаро миқёсда тан олинмоқда, қатор танловларда ғолибликни қўлга киритмоқда.

Яқинда у Қозоғистон Республикасининг Нурсултон шаҳрида МДХ мамлакатлари ўртасида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ёш олими — 2021”

халқаро танловида 14 та мамлакат ичиди хорижий тиллар йўналишида биринчи ўринга лойиқ кўрилиб, олтин медал билан тақдирланди.

— Эсимда, ўшанда биринчи курсда ўқирдим, онамнинг “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишонини олиб, ўзимни қилиб тақиб юрардим, — дейди Оғулнур. — Медали борларга жуда ҳавасим келарди. Ҳатто ҳозир ҳам онамнинг ўша медали менда турибди. Бугун ўзим ҳам олтин медал билан тақдирландим. Бундан бошим кўкка етди. Январ ойида ушбу танлов ҳақида эшитиб, унга ҳужжат тайёрлаганман, аввалига долзарб мавзу



танлай олмай иккиланганман. Илмий раҳбаримнинг менга берган тавсиялари ҳамда билимлари орқасидан мукофотландим.

Андижон вилояти Асака туманидаги 36-мактабнинг 11-синф битирувчиси Аслиддин Саминжонов ҳам илм-фан соҳасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Иқтидорли ўқувчи жорий йилда мактабни аъло баҳоларга тамомлади. Уч йилдан буён Аслиддин корейс тилини ўрганиб, айна пайтда ўқув марказида юздан ортиқ ўқувчи-га дарс бериб келмоқда. Яхшигина даромад топиб, оиласига ҳам кўмак бермоқда. У яқинда Жанубий Кореянинг барча миллий университетларига кириш учун грант ютиб олди.

Шу ерда бир мулоҳаза. Буюк аждодларимиз, бобокалонларимиз ўрта асрларда оламшумул кашфиётлар қилиб, дунё илм-фани ривожига



бекиёс ҳисса қўшиб, иккита Ренессансга асос солган. Тамаддун бешиги сифатида қаралган шундай табарруқ заминимиз нега бугун ҳам илм-фанда доврўғ қозонмаслиги керак? Нега биз цивилизация бешикларидан бири бўла туриб, илм-фан соҳасида бошқа давлатлардан ортда қолишимиз керак?!

Камолга етаётган билимли, серғайрат, интилувчан ёшларни кўриб, бугун бундай ютуқларни қўлга киритиш учун илмий салоҳиятимиз ҳам, имкониятларимиз ҳам етарли эканига ғувоҳ бўляпмиз. Вужудида, томирида хоразмийлар, берунийлар, форобийлар, улугбеклар қони жўшиб оқаётган бугунги ёшлар бундан-да катта ютуқларни қўлга киритиб, илм-фан чўққиларини забт этажак.

Ўнлаб дастур ва мобиль иловалар муаллифи:

“БУ СОҲАДА ҲАЛИ ЎЗИМНИ ҲАВАСКОР ҲИСОБЛАЙМАН!”



Бошланиши 1-бетда

Тошкент давлат иқтисодиёт университети рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси тадқиқотчиси Нурмуҳаммад Нурсайдов болалигидан илгор технологияларга қизиқади. Таълимнинг бакалавр ва магистратура босқичини шу йўналишда тамомлаган 27 ёшли қаҳрамонимиз халқ таълими ва олий таълим тизимлари учун бир қатор фойдали дастурлар ишлаб чиқиб, уларни амалиётга кенг татбиқ этиб келмоқда.

Дастурчилик соҳасида ўзини ҳаваскорлар қаторига қўшадиган Нурмуҳаммаднинг эришган муваффақиятлари оз эмас. Бу йўналишдаги қобилиятини талабалик давридаёқ намоён этган. Унинг дизайн тарихи фанидан ишлаб чиққан электрон дарслиги ўша вақтдаёқ катта шов-шувларга сабаб бўлди.

— Бундан беш-олти йил муқаддам Ўзбекистонда бундай электрон дарсликлар нисоятда кам эди, — дейди Нурмуҳаммад Нурсайдов. — Ғоямни амалга оширганимда кўплаб талабалар, педагог ва соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотгани, уларнинг фаолиятида қўлайлиқ яратганига ғувоҳ бўлдим. Шундан сўнг бошқа фанлардан ҳам электрон дарсликлар ишлаб чиқдим. Кейинчалик ушбу дастурларни бойитиб бордим. Энди уларда бир неча функция жамланган бўлиб, нафақат дарсликлардан фойдаланиш, балки талабаларнинг билимини синая, видеодарслар томоша қилиш имкониятлари ҳам бор эди. Ундан кейин мобиль иловалар яратишга қизиқа бошладим. 2016 йилда бундай иловалар сони жуда кам, талаб эса юқори бўлгани боис, мен яратган дастурларга қизиқиш ортиб кетди. 1 йилда 100 мингдан ортиқ юклаб олинди. Бу эса интилишларимни оширди.

Нурмуҳаммад бирин-кетин йирик лойиҳаларга қўл ура бошлади. Фаолиятини Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан боғлагач, имкониятлари янада кенгайди. Университет раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши туфайли бир қанча фойдали дастурлар ишлаб чиқди.

8000 дан ортиқ атама, тушунча учун таъриф ва изоҳлар ҳамда соҳада қўлланувчи жуда кўплаб қўшимча маълумотларни жамлаган “Иқтисодий терминлар луғати” мобиль иловаси ёш йигитнинг ана шундай йирик лойиҳаларидан бири.

Мақкур луғат олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари талабалари, шунингдек, реал сектор корхона ва ташкилотларининг молия, ҳисоб, саноат ва ижтимоий муносабатлар, ташқи савдо билан шуғулланаётган мутахассис-ҳодимлари учун мўлжалланган бўлиб, қисқа вақтда унинг веб версияси (dictionary.tlue.uz) ҳам ишга туширилди.

Иқтисодий терминларнинг барчасини ёдда сақлаш осон эмас. Баъзан айтилиши ҳам жўн бўлмаган бу сўзларнинг изоҳини тушуниш учун луғатларга мурожаат қилишга тўғри келади. Аммо катта ҳажмдаги изоҳли луғатларни кўтариб юришининг ҳар доим ҳам имкони бўлмайди. Қаҳрамонимиз иш жараёнида ана шундай қийинчиликларга дуч келди. Иқтисодий терминлар изоҳини интернет орқали излаганида, етарлича маълумотлар топа олмади. Шу вайждан “Иқтисодий терминлар луғати” мобиль иловасини ишлаб чиқишга қарор қилди ва асосан, университет кутубхонаси ҳамда интернетдан иқтисодиётга оид янги терминларни йиғиб, устозлари кўмагида таржима қилди.

Илова офлайн тарзда ишлайди. Қидирув орқали иқтисодиётга оид бирор сўз ёзилгани ҳамон экранда унинг изоҳи пайдо бўлади. Иқтисодий луғат фойдаланувчиларга тақдим этилганига 4 ой бўлди. Қисқа фурсатда мобиль илова 5 минг мартадан ортиқ юклаб олинди. Ҳозир муаллиф иловани янада такомиллаштириш ҳамда овоз билан қидиришни жорий этиш устида ишляпти.

ФАҚАТ ЎЗБЕКЧА “ГАПИРАДИГАН” YOUTUBE

Қаҳрамонимиз бугунга қадар мобиль иловалар учун 15 дан ортиқ муаллифлик ғувоҳномаси ҳамда патент олган. Унинг ахборот технологияларининг барча соҳа ва йўналишлари бўйича дарслар, видеолар, маслаҳатлар ва IT соҳа бўйича ўзбек



тилидаги манбалардан бепул фойдаланишга мўлжалланган “IT online”, ахборот-коммуникация технологияларига оид “AKT izohi lug’ati” мобиль иловалари, университетда электрон китобларни онлайн ўқиш, фойдаланиш, баҳолаш ҳамда юклаб олишга мўлжалланган “ebook.tlue.uz” тизимидан соҳа мутахассислари кенг фойдаланиб келмоқда.

Жорий йилда Нурмуҳаммад яна бир катта янгиликка қўл урди. Минглаб ота-оналарнинг илтимоси асосида “Kids video” мобиль иловасини ишга туширди.

— Рақамли дунё олдимизга икки муҳим вазифани қўймоқда — ҳар бир бола учун интернет тармоғининг фойдасини максимал даражада ошириш ҳамда унинг салбий таъсирини камайтириш, — дейди ёш дастурчи. — Таҳлилларга кўра, интернетдан фойдаланувчилар орасида болалар ва ўсмирлар сони мунтазам ортиб бормоқда. Замонавий авлод бугунги даврни интернетсиз тасаввур этолмайди. Шу билан бирга, улар, афсуски, кўпинча текширилмаган, сифатсиз, нафақат компьютерлари, балки ўзларига ҳам зарар келтириши мумкин бўлган хавфли маълумотларни танқидий баҳолашга тайёр эмаслар. Шу боис, уларга ижтимоий тармоқлар, айниқса, тобора оммалашиб бораётган youtube платформаси жиддий таҳдид саналади. Ушбу платформада болалар учун хавфли баннерлар, қалқиб чиқувчи ойналар, сценарий ва бошқа методлардан фойдаланилади. Ана шундай хавфларнинг олдини олиш, болаларни номақбул маълумотлардан химоялаш мақсадида “Kids video” мобиль иловасини ишлаб чиқдик.

Иловада видеолар автоматик тарзда филтрланади. Унга фақат сараланган, менталитетимизга хос, бола руҳиятини кўтарувчи ўзбек тилидаги мультфильм, кинофильмлар, барча соҳаларда таълим берадиган видеоматериаллар, ўғил-қизлар учун қизиқarli ўйинлар, эртақ, қўшиқ, ҳикоялар ҳамда турли маълумотлар жойлаштириб борилади.

Мақкур илова дизайн ва ранглар жиҳатидан youtube платформасига ўхшаш. Муаллифнинг айтишича, бунинг ўз сабаби бор. Гап шундаки, бола, биринчи навбатда, youtubeнинг асл платформасидан фарқ сезмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир мобиль иловани 15 дан ортиқ давлатда ўзбек оилалари юклаб олмақда. Шу билан бирга, дастурни такомиллаштириш ишлари ҳам давом этапти.

Қаҳрамонимиз рақамли иқтисодиётдан ташқари ахборот технологиялари, ҳозир ривожланиб бораётган сунъий интеллект, робототехникага ҳам қизиқади. Айна пайтда рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари кафедраси доценти Бобур Вафоев илмий раҳбарлигида “Уқув жараёнини рақамлаштиришда мобиль таълим муҳитини сунъий интеллект негизида такомиллаштириш” мавзусида илмий тадқиқот ишини бажармоқда. Илмий фаолияти билан бир вақтда дарс жадвалини электронлаштириш, университетга виртуал сайр қилиш имкониятини тақдим этувчи дастурий таъминот ҳамда илмий изланувчиларнинг чораклик ҳисоботларини онлайн топишишга мўлжалланган мониторинг тизимини яратиш устида ишляпти.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири